

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 29 » декабрь 20 18 у.

№ 1058

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 ноябрдаги ПҚ – 4026-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг ““Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 61-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 29 декабрдаги **1058-сон**  
қарорига илова

**Вазирлар Маҳкамасининг ““Гаров реестри тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари  
хақида” 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги “штатдаги ходимларнинг чекланган сони 6 нафардан иборат бўлган (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларсиз)” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги “йигирма фоизи” сўзлари “ўн фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “ўн фоизи” сўзлари “беш фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин.

